

IV МАВЗУ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиясининг сайлов кундаги фаолияти

- 1.** Участка сайлов комиссияси жойлашган бинодаги овоз бериш хонасининг тайёргарлигини кўздан кечириш
- 2.** Участка сайлов комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, сайловчилар рўйхати ва бюллетенларни тақсимлаш, сайлов қутиларини пломбалаш
- 3.** Овоз бериш бошланганини эълон қилиш
- 4.** Сайлов участкасида сайловчиларнинг эркин ва яширин овоз беришини таъминлаш
- 5.** Сайловчиларнинг турган жойида овоз беришини таъминлаш




1. Участка сайлов комиссияси жойлашган бинодаги овоз бериш хонасининг тайёргарлигини кўздан кечириш

Участка сайлов комиссияси раиси сайлов куни овоз бериш биносига келганидан сўнг, участка сайлов комиссияси аъзоларининг барчаси сайлов участкасига келганлигини, келмаганлар бўлса, уларнинг йўқлиги сабабларини аниқлаши ва зарур бўлса, уларнинг етиб келишини ташкил қилиш чораларини кўриши лозим.

Сайлов участкасига оид бўлган **барча жиҳозлар жой-жойида турганлигини яна бир бор кўздан кечиради.**

Сайловчилар рўйхати алифбо тартибида тайёрлиги ва бюллетенларга икки нафар участка комиссияси аъзоси ўз имзоларини қўйганлигини ва бюллетенларга участка сайлов комиссияси муҳри босилганлигини текширади.



2. Участка сайлов комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, сайловчилар рўйхати ва бюллетенларни тақсимлаш, сайлов қутилари ни пломбалаш

Участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан комиссия аъзоларининг **овоз бериш кундаги вазифалари белгиланади.**

Участка сайлов комиссияси бир нафар аъзоси сайлов участкасига ташриф буюрган маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни рўйхатга олиш учун масъул қилиб белгиланади.

Участка сайлов комиссиясининг камида **икки нафар аъзоси** заруратга қараб (яъни сайловчиларнинг ёзма ёки оғзаки мурожаати асосида) **сайловчиларнинг турган жойида кўчма қутилар ёрдамида овоз беришини ташкил этишга масъул қилиб белгиланади.**

Участка сайлов комиссияси бир нафар аъзоси СЖБАТ дастури ёрдамида сайловчиларнинг мурожаатига асосан уларни тизимдан қидириб топиб, уларга тегишли маълумотларга аниқлик киритишга масъул қилиб белгиланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларига комиссиянинг икки нафар аъзоси томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган ҳолда тайёрлаб қўйилган **бюллетенлар 1-иловага мувофиқ шаклдаги далолатнома асосида топширилади.**



1-ИЛОВА

Участка сайлов комиссиясида сайлов бюллетенларини комиссия аъзоларига тақсимлаб бериш далолатномасининг намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи _____ - участка сайлов комиссиясининг ДАЛОЛАТНОМАСИ

2023 йил _____ июль

Тошкент шаҳри

Ушбу далолатнома участка сайлов комиссияси раиси ва аъзоси ўртасида сайлов бюллетенларини топшириш ва қабул қилиб олиш тўғрисида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича _____ та сайлов бюллетенларини топширилди ва қабул қилиб олинди.

_____ - участка сайлов комиссияси раиси: _____
(Ф.И.О)

Топширдим

(имзо)

_____ - участка сайлов комиссияси аъзоси: _____
(Ф.И.О)

Қабул қилдим

(имзо)

Участка сайлов комиссияси аъзоларига, сайловчиларга тартибли равишда сайлов бюллетенларини бериш мақсадида, ҳар бир участка сайлов комиссияси аъзосига **сайловчилар фамилияси алифбо кетма-кетлигида сайловчилар рўйхати** асосида тақсимлаб берилади.



3. Овоз бериш бошланганини эълон қилиш




ЁДДА ТУТИНГ!

Овоз бериш кунини сайлов участкасида соат 8:00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганлигини эълон қилади.

Стационар ва кўчма сайлов қутилари, пластмасса пломбалар тайёрлигини текширади.

Участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида **сайлов қутиларининг бўшлигини текширади ва уларни бир маротаба ишлатилган пластмасса пломбалар билан пломбалайди.** Пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда 2-иловага мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.



Сайлов қутисини пломбалаш
тўғрисида далолатнома
намунаси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
_____ - участка сайлов комиссиясининг
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

2023 йил _____ июль

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Участка сайлов комиссияси аъзолари

Ушбу далолатнома сайлов қутисини пломбалаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартиб асосида сайлов қутилари _____-сонли, _____-сонли, _____-сонли ва кўчма қути _____-сонли, _____-сонли рақамланган пломбалар билан пломбаланди.

_____ - участка сайлов комиссияси раиси: _____
(Ф.И.О) (имзо)

_____ - участка сайлов комиссияси котиби: _____
(Ф.И.О) (имзо)



ЁДДА ТУТИНГ!

Участка сайлов комиссияси раиси томонидан сайлов участкасидаги сайловчилар сони, округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетенларнинг сони, муддатидан олдин овоз берганлар сони маълум қилинади.



ЁДДА ТУТИНГ!

Участка сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари сиёсий партияларнинг кузатувчиларини, оммавий ахборот воситалари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли сайлов комиссияси томонидан берилган мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида рўйхатга олади.



ЁДДА ТУТИНГ!

Участка сайлов комиссияси уларни мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатига асосан рўйхатга олгандан кейин уларга ўз ваколатларини тўлақонли ҳамда тўсқинликсиз амалга ошириши учун шароит яратиб беради.

Участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки котиби томонидан овоз бериш бошланганлиги ҳақида алоқа воситалари орқали округ сайлов комиссиясига хабар берилади.




ЁДДА ТУТИНГ!


Сайлов бюллетенларини олган сайловчилар сони сайловчилар рўйхатининг ҳар варағига қўйилган имзоларни санаш орқали аниқланади ва ушбу маълумот (сайлов бюллетенларини олган сайловчилар тўғрисидаги маълумот) ҳар соатда СЯЭРга кири-тилади ва округ сайлов комиссиясига телефон орқали еткази-лади.

Сайловчиларга тақдим этилган сайлов бюллетенлари сонининг ҳисоби ҳар соатда юритиб борилади.

Участка сайлов комиссияси раиси овоз беришни ташкил этиш ва ўтказишни му-вофиқлаштириб боради ҳамда назорат қилади, зарурат бўлганда комиссия аъзоларига ёрдам кўрсатади, улар вақтинчалик йўқ бўлган ҳолларда уларни бошқа аъзолар би-лан алмаштиради.

Участка сайлов комиссияси участкадаги рўйхат бўйича овоз беришда иштирок этувчи ҳар бир сайловчига бир донадан ортиқ сайлов бюллетени берилмаслигини таъминлайди. **Ортиқча сайлов бюллетени беришга йўл қўйилмайди.** Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштириб бе-рилганлиги бундан мустасно.





Участка сайлов комиссияси раиси ёки ўринбосари ёхуд аъзоси сайловчиларнинг сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлашини назорат қилиб боради. Башарти, **сайловчи бюллетенни қутига ташламай ўзи билан олиб кетмоқчи бўлса, уни албатта қутига ташлаш зарурлигини тушунтиради** ва қутига ташлагандан сўнггина бинони тарк этишини таъминлайди. Шунингдек, сайловчи ўрнига у билан ҳамроҳлиқ қилиб бирга келган сайлов ёшига етмаган фарзанди томонидан сайлов бюллетенини қутига ташлашига йўл қўйилмайди.



4. Сайлов участкасида сайловчиларнинг эркин ва яширин овоз беришини таъминлаш

Овоз бериш сайлов куни соат 8:00 дан 20:00 гача ўтказилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига **ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади** (паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспорти-ни йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома) ҳамда **сайловчилар рўйхатига имзо қўяди**. Шундан кейин **унга сайлов бюллетени берилади**.



ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ!

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумга келган халқаро кузатувчилар миссияларининг хулосаларида: «Кўп ҳолларда референдум ўтказувчи участка комиссия аъзолари овоз берувчиларга бюллетенларни уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текширмасдан бериш ҳолатлари кўп кузатилган.». Бу эса ўз навбатида, жараённинг қонуний таъкил этилишига салбий таъсир кўрсатди.



ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ!

Кузатувчилар овоз берувчилар рўйхатида бир хил кўринишдаги имзолар борлиги ҳақида хабар беришди. Сайлов бюллетенларини сайлов қутисига ноқонуний ташлашнинг учта аниқ ҳолати ҳам кузатилди. Сайловчилар, одатда, яширин овоз бериш имконига эга бўлган бўлсада, овоз беришнинг махфийлиги баъзан бузилди ва баъзи ҳолларда участка комиссиялари аъзолари фуқароларга «ҳа» варианты учун овоз беришга кўрсатма беришларини кузатди, бу эса жараённинг яхлитлигини шубҳа остига қўйди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтган айрим референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларининг қонунга хилоф амалга оширган ҳаракатлари **учта референдум участкаси натижаларини ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлган.**

Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил 1 майдаги 1244-сон қарорида таъкидланишича:

«Марказий сайлов комиссияси томонидан қуйидаги референдум участкаларида овоз бериш яқунларига таъсир қилиши мумкин бўлган **қоидабузарликлар аниқланганлиги қайд этиб ўтилсин:**

а) 8-Сирдарё референдум округининг **226-сон референдум участкасида** референдум тўғрисидаги қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилган ҳолда айрим комиссия аъзолари томонидан бюллетенлар овоз бериш қутисига ташланган;

б) 10-Тошкент вилоят референдум округининг **651-сон референдум участкасида** комиссия аъзолари томонидан овоз берувчи фуқарога овоз бериш яқунига етмасдан туриб бюллетенлар ишлатиб бўлинганлиги маълум қилинган. Ваҳоланки, ушбу референдум участкаси бўйича овоз бериш яқунлари юзасидан тузилган баённомада фойдаланилмаган бюллетенлар сони 646 тани ташкил этганлиги кўрсатилган;

в) 14-Тошкент шаҳар референдум округининг **772-сон референдум участкасида** комиссия аъзоси бўлган фуқаро овоз бериш бюллетенларини ўзининг қариндошлари номидан тўлдирган. Бироқ, ушбу фуқаро томонидан тўлдирилган бюллетенларнинг овоз бериш қутисига ташланганлиги ёки ташланмаганлигини аниқлаш имкони бўлмаган».

Марказий сайлов комиссиясининг мазкур қарорида, жумладан, қуйидагича қайд этилган:

«2. Референдумда овоз бериш яқунларига таъсир қилиши мумкин бўлган қоидабузарликларга йўл қўйилганлигини инобатга олиб, 8-Сирдарё референдум округининг **226-сон референдум участкаси**, 10-Тошкент вилоят референдум округининг **651-сон референдум участкаси** ва 14-Тошкент шаҳар референдум округининг **772-сон референдум участкаси** бўйича **овоз бериш яқунлари ҳақиқий эмас деб топилсин**».

Шу ўринда яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146-моддасига мувофиқ сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари **аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбакилаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш** – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтамиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд **уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**



ЁДДА ТУТИНГ!

Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.

Сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «х» белгисини қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, овозларни санаб чиқиш жараёнида бекор қилиниши **(юқори чап бурчагини кесиб ёки сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйиб йўли билан)** ва алоҳида сақланиши лозим.



ЁДДА ТУТИНГ!

Сайлов куни овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносига қуйидагилар ҳозир бўлиши мумкин:

- тегишли участка сайлов комиссияси аъзолари;
- тегишли округ сайлов комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари;
- сиёсий партияларнинг кузатувчилари;
- оммавий ахборот воситалари вакиллари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари;
- бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар;
- участкадаги сайловчилар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар.

Овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносига ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишга рухсат этилмайди.

Бинода ушбу зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссиясининг зиммасида бўлади.

Участка сайлов комиссияси биносига ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслар (сайловчилардан ташқари) тегишли комиссиялар томонидан берилган мақомини тасдиқловчи **мандат (гувоҳномаси)ни бошқаларга кўринадиган ҳолда таққан бўлишлари шарт.**

Участка сайлов комиссияси овоз бериб бўлган сайловчини бинодан чиқариб юбориш чораларини кўради.



Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни санаб чиқишда ғайриқонуний тўсқинликлар вужудга келганида ички ишлар органи ёки Миллий гвардия ходимларига мурожаат қилиши мумкин. Бунда, ички ишлар органи ёки Миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишлари лозим.



ЁДДА ТУТИНГ!

Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимлари томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги тартибсизлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар бартараф этилганидан сўнг участка сайлов комиссияси раиси кўрсатмаси асосида сайлов участкаси биноси тарқ этишлари ва сайлов жараёнига халақит бермайдиган жойга жойлашишлари шарт.



5. Сайловчиларнинг турган жойида овоз беришини таъминлаш

Айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Бунда участка сайлов комиссияси аъзоси мурожаатлар қайдлов дафтарига сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақт ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар участка сайлов комиссияси аъзосининг имзоси билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси томонидан сайловчи турган жойда овоз беришни ташкил этиш сайлов кундаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

Турган жойида овоз берган сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар участка сайлов комиссияси аъзоси томонидан 3-иловага мувофиқ шаклдаги сайловчилар рўйхатидан кўчирмага тегишли ёзув киритади ва сайловчи сайлов бюллетени олганини тасдиқлаб, ушбу рўйхатдаги фамилияси қаршисига имзо чекади.

Участка сайлов комиссияси аъзоси бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериши тақиқланади.



ЁДДА ТУТИНГ!

Сайловчи яширин овоз бериб бўлганидан сўнг сайловчилар рўйхатининг тегишли жойига (сайловчининг фамилияси қаршисига) «турган жойида овоз берди» ёзуви киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ
САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИДАН КЎЧИРМА

(турган жойида овоз берган сайловчилар бўйича)

_____ — сайлов округи

2023 й. «_____» июл

(сайлов санаси)

_____ **САЙЛОВ УЧАСТКАСИ**

(сайлов участкаси жойлашган ер — қишлоқ, овул, шаҳарча, шаҳар, туман, вилоят, ҳарбий қисми)

Т/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили*	Турар жойи	Сайловчининг сайлов бюллетенини олганлиги ҳақидаги имзоси
1	2	3	4	5

* Сайлов куни 18 ёшга тўлган сайловчиларнинг туғилган куни ва ойи кўрсатилади.

Изоҳ: Мазкур рўйхатга сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар ёзув ручкаси орқали киритилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари соат 20:00 да **овоз бериш тугаганлигини** комиссиянинг барча аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида эълон қилади.

Сайлов участкаси биносида ҳозир бўлган сайловчиларга овоз бериш учун имконият берилади (агар сайловчилар бор бўлса).

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин.



ЁДДА ТУТИНГ!

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сайлов участкаларида сайлов қутиларини соат 20:00 дан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайлов қутиларида мавжуд бўлган сайлов бюллетенлари бўйича амалга оширилади. Сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш фақатгина овоз бериш биносида ўтказилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Участка сайлов комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш тартиби қандай?
2. Сайловчилар рўйхати ва сайлов бюллетенларини тақсимлаш тартиби қандай амалга оширилади?
3. Сайлов қутиларини пломбалаш жараёнини айтиб беринг.
4. Бюллетенлар овоз бериш кунига қадар қандай тайёрлаб қўйилиши лозим?
5. Нима сабабдан бюллетенлар алифбо кетма-кетлигида сайловчилар рўйхати асосида тақсимлаб берилади?
6. Овоз бериш бошланганлиги қайси вақтда ва қандай тарзда эълон қилинади?
7. Маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг сайлов участкасига ташриф буюриш тартиби қандай?
8. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени нима қилинади?
9. Овоз бериш биносига келгач, сайловчи қандай ҳаракатларни амалга оширади?
10. Брайль алифбоси асосида тайёрланган трафарет нима?
11. Сайлов қутилари қандай жойлаштирилиши лозим?
12. Сайлов кунини овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида кимлар ҳозир бўлиши мумкин?
13. Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишига ким масъул?
14. Кимлар турган жойида овоз бериши мумкин?
15. Турган жойида овоз бериш жараёнини айтиб беринг.
16. Сайловчи турган жойида яшарин овоз бериб бўлганидан сўнг сайловчилар рўйхати билан қандай ҳаракат амалга оширилади?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Участка сайлов комиссияси раиси сайлов куни овоз бериш биносига келганидан сўнг, дастлаб қандай ҳаракатларни амалга оширади?

А) участка сайлов комиссияси аъзоларининг барчаси сайлов участкасига келганлигини, келмаганлар бўлса, уларнинг йўқлиги сабабларини аниқлаши лозим

В) сайлов участкасига оид бўлган барча жиҳозлар жой-жойида турганлигини яна бир бор кўздан кечиради

С) сайловчилар рўйхати алифбо тартибда тайёрлиги ва бюллетенларга икки нафар участка комиссияси аъзоси ўз имзоларини қўйганлигини ва бюллетенларга участка сайлов комиссияси муҳри босилганлигини текширади

Д) барча жавоблар тўғри

2. Участка сайлов комиссияси аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифалари ким томонидан белгиланади?

А) участка сайлов комиссияси раиси

В) округ сайлов комиссияси раиси

С) участка сайлов комиссияси котиби

Д) округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари

3. Участка сайлов комиссиясининг неча нафар аъзоси сайлов участкасига ташриф буюрган маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни рўйхатга олиш учун масъул қилиб белгиланади?

А) 2 нафар

В) 1 нафар

С) бундай тартиб йўқ

Д) фақат участка сайлов комиссияси котиби

4. Участка сайлов комиссияси заруратга қараб (яъни сайловчиларнинг ёзма ёки оғзаки мурожаати асосида) сайловчиларнинг турган жойида кўчма қутилар ёрдамида овоз беришни ташкил этишга кимларни масъул қилиб белгилайди?

А) участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси

В) участка сайлов комиссияси котиби ва волонтер

С) участка сайлов комиссияси жойлашган ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари

Д) барча жавоблар тўғри

5. Сайлов куни СЖБАТ дастури ёрдамида сайловчиларнинг мурожаати асосан уларни тизимдан қидириб топиб, уларга тегишли маълумотларга аниқлик киритишга участка сайлов комиссиясида ким масъул қилиб белгиланади?

А) участка сайлов комиссиясининг уч нафар аъзоси

В) участка сайлов комиссиясининг бир нафар аъзоси (оператор)

С) участка сайлов комиссияси бириктирилган Рақамли технологиялар вазирлигининг ҳудудий ходими

Д) участка сайлов комиссияси котиби

6. Участка сайлов комиссиясида сайлов бюллетенларини комиссия аъзоларига тақсимлаб беришда қандай шаклдаги ҳужжат тўлдирилади?

А) баённома

В) далолатнома

С) билдирги

Д) буйруқ

7. Участка сайлов комиссияси аъзоларига, сайловчиларга тартибли равишда сайлов бюллетенларини бериш мақсадида, ҳар бир участка сайлов комиссияси аъзосига қандай тартибда сайловчилар рўйхати тақсимлаб берилади.?

А) сайловчилар фамилияси яшаш манзили кетма-кетлигида

В) сайловчилар фамилияси ёши кетма-кетлигида

С) сайловчилар фамилияси алифбо кетма-кетлигида

Д) сайловчилар фамилияси оила бўйича кетма-кетлигида

8. Сайлов куни сайлов участкасида соат 8:00 да Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграганидан сўнг биринчи бўлиб қандай ҳаракат амалга оширилади?

А) участка комиссияси аъзоларига вазифалари тақсимланади

В) стационар ва кўчма сайлов қутилари, пластмасса пломбалар тайёрлигини текширади

С) участкадаги рўйхат бўйича сайловчиларнинг сони, олинган бюллетенлар сони ҳамда муддатидан олдин овоз берганлар ҳақида маълум қилинади

Д) участка комиссиясининг раиси овоз бериш бошланганлигини эълон қилади

9. Участка сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари сиёсий партияларнинг кузатувчиларини, оммавий ахборот воситалари вакилларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли сайлов комиссияси томонидан берилган қандай ҳужжатлар асосида рўйхатга олади?

А) мандати ва тиббий маълумотнома асосида

В) мандати ва диплом (аттестат) асосида

С) мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида

Д) барча жавоблар тўғри

10. Участка сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари ёки котиби томонидан овоз бериш бошланганлиги ҳақида алоқа воситалари орқали кимга хабар берилади?

А) Марказий сайлов комиссиясига

В) округ сайлов комиссиясига

С) маҳаллий ҳокимликларига

Д) барча жавоблар тўғри

11. Овоз бериш сайлов куни соат нечидан нечигача ўтказилади?

- A) соат 7:00 дан 20:00 гача
- B) соат 8:00 дан 20:00 гача
- C) соат 6:00 дан 20:00 гача
- D) соат 9:00 дан 20:00 гача

12. Сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига қандай ҳужжат тақдим этгандан сўнг унга сайлов бюллетени берилади?

- A) паспорт ёки ID-карта
- B) ҳарбий гувоҳнома ёки янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси
- C) фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома
- D) барча жавоблар тўғри

13. Бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериш мумкинми?

- A) ҳа
- B) тақиқланади
- C) участка сайлов комиссияси аъзолари овозга қўйиб, шундан сўнг овоз натижаларидан келиб чиққан ҳолда бериш ёки бермаслик масаласига ҳал қилинади
- D) тўғри жавоб йўқ

14. Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни қаерда тўлдиради?

- A) ўзига қулай бўлган жойда
- B) яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида
- C) ҳуқуқ-тартибот органлари ходими олдида
- D) участка раисининг хонасида

15. Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини қаерга ташлайди?

- A) участка сайлов комиссияси раиси олдидаги махсус қутига
- B) сайлов қутисига
- C) сейфга
- D) коропкага

16. Сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпара-сида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга қандай белгини қўяди?

- A) «+» ёки «✓» ёхуд «х»
- B) «қарши» ёки «рози»
- C) «-» ёки «+» ёхуд «э»
- D) бундай тартиб мавжуд эмас, сайловчи ўзига қулай бўлган ёзувни киритади

17. Сайлов куни овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биноси-да кимлар ҳозир бўлиши мумкин?

- A) тегишли участка сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари
- B) тегишли округ сайлов комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари

С) бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, участкадаги сайловчилар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок этувчи сайловчилар

Д) барча жавоблар тўғри

18. Айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига биноан қаерда ташкил этади?

А) улар турган жойда

В) округ сайлов комиссиясида

С) тез тиббий ёрдам вакиллари олдида

Д) бундай тартиб йўқ

19. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сайлов участкаларида сайлов қутиларини соат нечидан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишга йўл қўйилмайди?

А) соат 19:00 дан

В) соат 21:00 дан

С) соат 20:00 дан

Д) соат 18:00 дан

20. Участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайловчиларнинг овозларини санаб чиқиш жараёни қаерда ўтказилади?

А) фақатгина овоз бериш биносида

В) фақатгина ҳуқуқ-тартибот органлари биносида

С) фақатгина маҳаллий ҳокимликлар биносида

Д) ўзларига қулай бўлган жойда

КЕЙСЛАР

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
1.	Сайлов кунини соат 07:30 ларда Б. туманида жойлашган 23-сайлов участкасида участка комиссияси раиси комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш давомида фақатгина сайловчилар рўйхатида мавжуд бўлган сайловчилар учунгина сайлов бюллетени берилиши лозимлигини, сайловчилар рўйхатида бўлмаган фуқароларга сайлов бюллетени берилмаслигини маълум қилди. Бундан ташқари сайловчиларнинг турган жойида овоз беришлари учун бир кишини масъул этиб белгиледи.	1. Сайлов ўтказувчи участка комиссияси раисининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш. 2. Сайлов кунини сайловчилар сайловчилар рўйхатида қандай тартибда қўшилиши мумкин? 3. Фуқаро турган жойида овоз бериши жараёнини ёритиб беринг.	1. Сайлов участкаси комиссияси раисининг ҳаракатлари ҳуқуқий асосга эга эмас. 2. Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади. Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи хужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади. 3. Айрим сайловчилар сўрагининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади. Тегишли комиссиянинг қаида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.	Сайлов кодексининг 52 ва 56-моддалари

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
2.	Сайлов кунни соат 14:30 ларда Ф. туманида жойлашган 23-сайлов участкасига ёши катта бўлган А. исмли сайловчи келиб, оила аъзоларининг хозирда уйда эмаслигини, да-лага ишлаш учун кетишгани, кеча сайлов-га қўйилган масала оила даврасида ўзаро муҳокама қилингани ва уларнинг барчала-ри сайловга қўйиладиган масала бўйича бир хил овоз беришлари маълум қилинганини, шу сабабли ҳам оиладан ўзи вакил сифати-да қатнашиб барча оила аъзолари учун овоз беришини айтиб, уларнинг паспортларини тақдим қилди. Комиссия аъзоси А. исм-ли сайловчига унинг ёши катта эканлиги, оила аъзолари уйда йўқлиги, ўзаро оилада маслаҳатлашиб масалага бир хил овоз бе-ришларини маълум қилгани сабабли унга паспортларга асосан олти дона сайлов бюл-летенини берди.	Участка комиссияси аъзосининг харака-ларига ҳуқуқий баҳо беринг.	Участка сайлов комиссияси участкадаги рўйхат бўйича овоз беришда ишгирок этувчи хар бир сай-ловчига бир донадан ортиқ сайлов бюллетени бе-рилмаслигини таъминлайди. Ортиқча сайлов бюл-летени беришга йўл қўйилмайди. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштириб берилганлиги бундан мустас-но. Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тас-диқловчи хужжатни кўрсатади (паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдов-чилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқот-ган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғриси-даги маълумотнома) ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади. Бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериш тақиқланади.	Ўзбекистон Республи-каси Сайлов кодек-сининг 5-моддаси, Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелда-ги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти сайловини ўтказув-чи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низом-нинг 60 ва 62-банд-лари

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этиладиган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечининг ҳуқуқий асоси
3.	Сайлов куни фуқаро Б. Исмоилов сайлов бюллетенини бузиб қўйганлигини маълум қилиб, комиссия аъзосидан бошқа сайлов бюллетени беришни сўради. Лекин комиссия аъзоси сайловчиларга фақатгина битта бюллетен берилишини, бошқа берилмаслигини, бузиб қўйилган сайлов бюллетенини стационар қутига ташлаб қўйиши лозимлигини маълум қилди. Бундан норози бўлган фуқаро участка сайлов комиссияси раисига шикоят қилади. Фуқаро ўзининг саводи яхши бўлмаганлиги сабабли, сайлов бюллетенини тўлдиролмаслигини айтиб, уни тўлдиришда участка комиссияси раисидан ёрдам сўрайди. Шундан сўнг, участка сайлов комиссияси раисининг руҳсати билан комиссия аъзоси унга янги сайлов бюллетени беради ва уни тўлдиришда фуқарога ёрдам кўрсатади.	1. Мазкур ҳолатда УСК аъзосининг ҳаракатлари тўғрими? 2. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олинмиши, бекор қилиниши (юқори чап бурчагини кесиш йўли билан) лозим ва алоҳида сақланади. 3. Бузилган сайлов бюллетенларини санаб чиқилади ва бекор қилинади, бу ҳақда яқуний баённомага тегишли ёзув киритилади. 3. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари сайлов натижаларини ҳисоблашда бирор-бир ҳужжатга бу ҳақда маълумот киритиладими? 4. Сайлов бюллетенини мустақил тўлдиролмайдиган фуқарога ёрдам бериш тартиби қандай?	1. Мазкур ҳолатда УСК аъзосининг ҳаракатлари нотўғри. 2. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олинмиши, бекор қилиниши (юқори чап бурчагини кесиш йўли билан) лозим ва алоҳида сақланади. 3. Бузилган сайлов бюллетенларини санаб чиқилади ва бекор қилинади, бу ҳақда яқуний баённомага тегишли ёзув киритилади. Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенлари боғламга ўралиб, устига «Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенлари» деб ёзилиб, ёнига сони ёзилади ва қопга жойлаштирилади. 4. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яшрин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.	Сайлов кодексининг 55-моддаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомнинг 65, 80 ва 86-бандлари
4.	Уйчи туманида яшовчи А. исмли фуқаро тумандаги 2-участка сайлов комиссиясида овоз бериш бўйича рўйхатдан ўтган бўлиб, сайлов куни иш жойидан хизмат сафари тўғрисида Нормин туманига келган. У 20-участка сайлов комиссиясида овоз бермоқчи бўлиб келиб, паспортини тақдим қилиб, сайлов бюллетени беришини сўраганида УСК аъзоси унга рад жавобини беради. Фуқародан бошқа туманда овоз беришга асос бўлаётган ёзма ҳужжат тақдим этилини сўрайди. Сайловчи тегишли ҳужжат тақдим этмайди.	1. Участка комиссияси аъзосининг ҳаракатлари асослими, ҳуқуқий баҳо беринг. 2. Участка комиссияси аъзоси бошқа участка сайлов комиссиясида рўйхатдан ўтган сайловчи овоз бериш учун келганида қандай ҳаракатларни амалга ошириши лозим?	1. Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади. Сайлов куни бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчилар шахсини, фуқаролиги ва яшаш жойини (ушбу сайлов участкаси ҳудудида доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлигини) тасдиқловчи ҳужжат асосида участка сайлов комиссияси раисига ёзма ариза билан мурожаат қилади.	Сайлов кодексининг 52-моддаси

Т/р	Кейс мазмуни	Кейс доирасида муҳокама этилаётган масала (савол)лар	Кейснинг ечими	Кейс ечимининг ҳуқуқий асоси
	Шундан сўнг УСҚ аъзоси унинг сайловчилар рўйхатида мавжуд эмаслиги сабабли сайлов бюллетенини бермаслигини маълум қилди.		Сайловчининг мурожаати асосида қайдлов дафтарига унинг фамилияси, исми, отасининг исми, турилган санаси, яшаш жойи ҳақида тегишли ёзув киритилади ва ушбу маълумотлар участка сайлов комиссияси раиси ёки котибининг ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади. Шундан сўнг, сайловчини сайловчилар рўйхати иловасига киритиш масаласи қуйидагича ҳал этилади: 1-ҳаракат: участка сайлов комиссияси раиси сайловчининг сайлов участкасини СЖБАТдан излаб топади; 2-ҳаракат: излаб топилган сайлов участкасидаги комиссия раиси билан алоқа воситаси (телефон) орқали боғланади. Раис билан боғланиш имконияти бўлмаган тақдирда 3 ва 4-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича тегишли ишчи гуруҳга хабар берилади; 3-ҳаракат: ушбу участкада сайловчининг овоз берган/бермаганлигини аниқлайди; 4-ҳаракат: овоз бермаганлик факти аниқланганидан сўнг, сайловчининг сайловчилар рўйхати иловаси асосида овоз бераётганлиги ҳақида маълум қилади (сайловчини сайловчилар рўйхатига киритган участка сайлов комиссиясини хабардор қилади); 5-ҳаракат: сайловчини сайловчилар рўйхати иловасига киритади ва унга сайлов бюллетени беради. Хабардор қилинган участка сайлов комиссияси раиси сайловчилар рўйхатига ушбу сайловчи бошқа сайлов участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритади ҳамда якуний баённомани тўлдириш пайтида уни участкадаги сайловчиларнинг умумий сонига қўшиб ҳисобламайди. Қуйидаги ҳолларда сайловчини сайловчилар рўйхати иловасига киритиш рад этилади: сайловчи СЖБАТдаги сайлов участкаси бўйича овоз берган бўлса; сайловчи доимий ёки вақтинча рўйхатга олинмаган яшаш жойи бўйича участка сайлов комиссиясига мурожаат қилган бўлса. Бунда, участка сайлов комиссияси раиси сайловчининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи бўйича бошқа сайлов участкасида овоз бериши кераклигини тушунтиради.	Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги низомнинг 41-банди